

ЭРТАКЛАРДА ЖАМШИД ТИМСОЛИ

Жабборова Матлуба Рустамовна

Алишер Навоий номидаги ТошДЎТАУ доцент в.б. (PhD). Ўзбекистон.

mdjabborova86@mail.ru

Мадалиев Ярмухаммат Худайбергенович

Мухтор Ауэзов номидаги Жанубий Қозоғистон
университети катта ўқитувчиси, (PhD). Қозоғистон

madaliev_61@mail.ru

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10936196>

Аннотация. Мақолада афсонавий шоҳ Жамшид образидан озиқланган халқ эртакларидаги Малик-Жамшид қаҳрамони ҳақида сўз боради. Форс ва тожик халқ эртакларидаги мазкур образ анъанавий Жамшиддан фарқ қилсада, образга хос баъзи элементлар сақланиб қолган. Халқ оғзаки ижодида Жамшид қаҳрамони вазир, сеҳргар, уддабурон ва ишбилармон қаҳрамон сифатида намоён бўлади.

Калим сўзлар: эртак, асотир, афсона, анъанавий образ, халқ қаҳрамони, вазир, Малик-Жамшид.

JAMSHID'S REPRESENTATION IN FAIRY TALES

Abstract. The article talks about the character of Malik-Jamshid in folk tales, inspired by the image of the legendary king Jamshid. Although this image in Persian and Tajik folk tales differs from the traditional Jamshid, some elements characteristic of the image have been preserved. In folklore, the hero of Jamshid appears as a minister, a magician, an ambitious and business-like hero.

Key words: fairy tale, myth, legend, traditional image, folk hero, minister, Malik-Jamshid.

ПРЕДСТАВЛЕНИЕ ДЖАМШИДА В СКАЗКАХ

Аннотация. В статье говорится о персонаже Малика-Джамшида в народных сказках, навеянном образом легендарного царя Джамшида. Хотя этот образ в персидских и таджикских народных сказках отличается от традиционного Джамшида, некоторые элементы, характерные для образа, сохранились. В фольклоре герой Джамшида предстает министром, волшебником, честолюбивым и деловитым героем.

Ключевые слова: сказка, миф, легенда, традиционный образ, народный герой, министр, Малик-Джамшид.

Бадий адабиётда анъанавий образга айланган афсонавий подшоҳ Жамшид тимсоли дастлаб Йима номи билан “Авесто”да тилга олинади. Унда ҳикоя қилинишича, Йима адолатли ҳукмрон бўлиб, унинг даврида қаҳратон совуқ ва жазирама иссиқ ҳам, қариш ва ўлиш ҳам бўлмаган. Жамшид ер юзини уч баравар кенгайтиради. Чорва моллари ва турли хил қушларни кўпайтиради. “Авесто” Каюмарс, Хушанг, Йима(Жамшид), Гершасп каби мифологик ва афсонавий образлар ҳақида маълумот берувчи, уларга доир бадий асарларни – асотир ва афсоналарни ҳикоя қилувчи энг қадимги ёзма манбадир” [1, 96 б.].

Халқ оғзаки ижоди асотир ва эртакларда Жамшид тимсоли ўзига хос янгича қиёфада намоён бўлсада, унинг келиб чиқишидаги туб сифатлари, сюжет унсурлари сезилиб туради.

Форс халқ эртақларининг баъзиларида Жамшид Малик, яъни доно вазир қиёфасида гавдаланади.

Хусусан, “Малик-Жамшид тўғрисида эртақ”да Жамшид зукко, уддабурон ва ақл заковатда тенги йўқ вазир қиёфасида гавдаланади. Эртақнинг қисқача мазмуни шундай.

Аҳмад исмли бир подшоҳнинг икки вазири бўлади. Бирининг исми Малик-Жамшид бўлиб, у ақл ва заковатда тенгсиз. Подшоҳ ҳар бир ишни у билан бамаслаҳат қилади. Лекин иккинчи вазир унга хасад қилиб, ҳар хил тухмат ва уйдирмалар билан уни шоҳдан узоқлаштиришга ҳаракат қилади. Бир неча марта унга қарши фитна уюштиради.

Биринчидан, халқнинг бир қисми Малик-Жамшидга сизни шоҳ этиб сайлаймиз деб қасамёд қилишди деб тухмат қилади. Шоҳ уни шаҳардан ҳайдайди. У йўлда чинор тагидаги сувда гул оқиб келаётганини кўриб (воқеа қиш фаслида бўлади), 7 донасини тутиб олади ва подшоҳга олиб бориб авф сўрайди, подшоҳ ҳайдаганига пушаймон бўлиб уни авф этади.

Иккинчидан, подшоҳ хасадгўй вазирнинг гапига кириб, Малик-Жамшидни яна гул олиб келишга юборади. Малик-Жамшид бу гал гулни кидириб девни маконига бориб қолади ва у ердаги девнинг асираси пари Гулихандон-Дурригирённи кутқаради. Аслида дев маликага ошиқ бўлиб, уни олиб қочган ва ўзига турмушга чиқишга мажбурлаётган бўлади. Малика бунга кўнмагани учун уни сеҳр билан ўлдириб, бошини танасидан ажратиб дарахтга осиб қўяди. Бошсиз танадан оқаётган қон эса сувга тушиб, гулга айланади. Чунки бу пари кулса оғзидан гул, йиғласа кўзидан дур ёғиладиган бўлган. Дев ҳар замонда келиб, бошни танага улаб, сеҳрли сув ёрдамида уни тирилтиради. Буни яширинча кўрган Жамшид дев кетгач, парини тирилтириб, уни олиб қочади. Жамшид парини кутқариб, унга уйланади.

Бу сафар ҳам фитнаси иш бермаган кўнгли қора вазир унга яна хасад қилади.

Подшоҳ яна вазирни гапига кириб, Малик-Жамшидга 40 кунда Ҳиндистондан тахт ясатиш учун 10 та туяда фил тиши ва кит суягини олиб келишга юборади. Аслида Ҳиндистонга бориб келиш учун 12 ой вақт керак бўлади. Жамшид парининг ёрдами (узук воситасида) билан бу ишни 7 кунда амалга оширади.

Бундан дарғазаб бўлган вазир уни жонига қасд қилмоқчи бўлади. Подшоҳ бу сафар ҳам уни гапига кириб, Жамшидни нарғи дунёга ўлган отасидан хабар олгани юборади. Пари бу гал ҳам ёрдам бериб, ҳаммани кўз ўнгида ўлган Жамшидни девдан олиб қочган тирилтирувчи сув билан кутқаради. Сўнг отасини дастхати билан мактуб битиб, шоҳга олиб боради. Нодон шоҳ отасининг хатига биноан ўзини ва золим вазирни ўлдириб, Малик-Жамшидни шоҳ қилиб тахтга ўтказди. Малик-Жамшид Гулихандон-Дурригирён билан мурод мақсадига етишади [2, 200-213 б.].

Мазкур эртақда Жамшид вазир сифатида талқин қилинсада, дастлабки манбаларда қайд этилган хислатлари, фазилатлари сақланиб қолади. У подшоҳнинг барча буйруқ ва хоҳишларини ақлу заковати билан амалга оширади. Яна бир “Симурғ кушнинг ёрдами” номли эртақда ҳам Малик-Жамшид образи мавжуд. Ушбу эртақда ҳам Жамшид ибратли образ сифатида талқин қилинади.

Эртақ мазмунидан кўриниб турибдики, айтувчининг асосий мақсади Жамшид сиймосидага барча ижобий хислатларни бўрттириб кўрсатиш бўлган, шу ниятда мунофиқ, ғаразгўй, хасадчи вазир образини яратган. Синов мотивлари жараёнида Жамшиддаги зукколик, тадбиркорлик, билимни, ақл-фаросатни ўз ўрнида ишлата билиш намоён бўлиб

боради. Энг мураккаб ва фожиали онларда ҳам уни ана шу закийлик, матонат ва жасорат кутқазади. Демак китобхон Жамшиддаги барча фазилатларни олқишлайди, ундан адабий-эстетик завқ олади. Вазир эса мансаб, мартаба ва нафс қурбонига айланади. У ўз ниятига эришиш йўлида ҳар қандай пасткашликлардан хатто қотилликдан ҳам тоймайди. Ўқувчи ёки эшитувчи бундай кимсаларни қаттиқ қоралайди, лаънатлайди. Бошқа ўзбек халқ эртаклари сингари бу эртак ҳам катта таълимий – тарбиявий аҳамиятга эга.

Форс халқ эртакларидан яна бири “Гунафшаранг шаҳар” ҳақидаги эртакда Жамшид тилсими ҳақида айтилади. Унга кўра Самарқандлик Масъуд исмли бола Гунафшаранг шаҳарни кидириб саёҳатга чиқади. Бу шаҳарда ҳамма нарса гунафшарангда бўлади. Хатто одамлар ҳам гунафшарангда либос кийиб юришади. Лекин уларнинг барчаси гунг-сақов бўлиб, бир оғиз ҳам гапиришмайди. Чунки бу шаҳар Жамшид томонидан етти юз йил олдин тилсимланган бўлади. (У бу ҳақида христиан чолдан эшитади) Масъуд машаққатларни енгиб, шаҳарни тилсимдан кутқаради ва Жамшидни ўғлини тобутини тагидаги хазинага эга бўлади. (у ерда ёзилишича, сеҳрни Жамшид ўйлаб чиқарган.) [2, 223-236 б.]. Бу эртакда Жамшидни афсонавий қудрати ва сир-синоатлари ҳақида эслатиб ўтилади. Тожик халқ эртаги “Фарҳод ва Ширин”да эса Жамшид жами тилга олинади [4, 184 б.].

XIX аср охири XX аср бошларида ўзбек адабиётида “халқ китоблари” номи билан кўпгина асарлар яратилган. “Қиссаи Барзўнома”, “Қиссаи Баҳром ва Дилором”, “Қиссаи Сиёвуш”, “Қиссаи Шоҳсанам ва Ғариб”, “Қиссаи Жамшид” кабилар шулар жумласидандир. Уларнинг номини яна узоқ давом эттириш мумкин. Чунки айнан шу даврда анча талайгина асарлар вужудга келган. Уларнинг деярли барчасида шарқ адабиётида анъанавий образга айланган қаҳрамонлар мадҳ этилади. Халқ томонидан яратилган бу қиссаларнинг ўзбек насри тараққиётида ўз аҳамияти бор. Шу сабабли уларни ўрганиш, қаҳрамонларнинг келиб чиқиши, асрлар давомидаги дастлаб ёзма манбадаги, кейинчалик асотир ва афсоналардаги, сценга бадиий адабиётдаги тадрижий тараққиёти ва турли халқ адабиётларидаги талқинини кузатиш ва унинг ўзбек насридаги ўрнини белгилаш муҳимдир.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, халқ эртакларида тарихий – қадимий асотирларга бориб тақаладиган Жамшид образи, бир томондан яратувчи ижодкор шахс сифатида талқин этилса, иккинчи томондан эса ақл-фаросатли, тадбиркор, жасоратли барча ҳаёт кийинчиликларини мордонавор енга борадиган халқ қаҳрамони, оддий халқ вакили сифатида талқин этилган.

REFERENCES

1. Маллаев Н.М. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. –Тошкент: Ғофур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1974.
2. Форс халқ эртаклари. – Тошкент: Ўзбекистон ФА нашриёти, 1961.
3. Персидские народные сказки. – Тошкент: 1987.
4. Таджикские народные сказки. – Душанбе: Ирфон, 1972.